Tulkin ALIMARDONOV,
Doctor of Political Sciences, Associated professor at department of "Social and humanitarian sciences" of INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN. E-mail: t.alimardonov@iiau.uz

АМИР ТЕМУР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИДА ДИНИЙ ТАМОЙИЛЛАР

РЕЛИГИОЗНЫЕ ПРИНЦИПЫ В ПОЛИТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДАХ АМИРА ТЕМУРА

RELIGIOUS PRINCIPLES IN THE POLITICAL VIEWS OF AMIR TEMUR

Калит сўзлар: *қадрият, маданият, тарих, мафкура, мерос, таълимот, тамойиллар, миллий ғоя, анъана, Амир Темур, давлат, бошқарув, ватанпарварлик, ҳуррият, миллат эрки, адолат, дин, шариат, ислом, пир, сиёсат, тасаввуф, бошқарув санъати.*

Ключевые слова: *ценность, культура, история, идеология, наследия, учения, принципы, национальная идея, традиция, наставник, Амир Темур, государство, управление, патриотизм, свобода, свобода нации, справедливость, религия, шариат, ислам, политика, суфизм, искусство управления, преемственность.*

Keywords: *value, culture, history, ideology, heritage, teachings, principles, national idea, tradition, mentor, Amir Temur, state, governance, patriotism, freedom, freedom of the nation, justice, religion, Sharia, Islam, politics, Sufism, art of management.*

Давлатчилик ривожида жамиятнинг юксак маданияти сиёсатнинг мазмунини ташкил қилади. Зеро, сиёсат бошқарув санъати сифатида жамият манфаатларини уйғунлаштириш, халқни мақсад сари сафарбар қилиш, муштарак миллий мафкурани яратиш, адолатли қонунларни ишлаб чиқиш, тинчлик ва фаровонликни таъминлашдек юксак қадриятларни бирлаштиради.

Бир сўз билан айтганда, қадриятлар негизида шаклланган сиёсат фалсафаси инсоният учун амалдаги ва истиқбол тараққиёт тамойилларини белгилаб берувчи мезонлардан ташкил топади. Улар ана шу қадриятлар негизида сиёсат воситаларини шакллантириши орқали истиқболдаги сиёсат фалсафасини яратади. Шу тариқа Соҳибқирон миллий давлатчилик тажрибаси борасида тарихий-маданий мерос қолдирган.

Жамиятда сиёсат фалсафасининг моҳияти инсон томонидан борлиқни англаш орқали кечади.

Ушбу мақола буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур сиёсатида дин ва давлат ўртасидаги мувозанатни ўрганади. У ўзининг сиёсий фаолиятида ислом ҳуқуқини дунёвий давлат тамойилларига сингдиришга муваффақ бўлган моҳир шахс бўлганлиги маълум бўлди. Ҳукумат адолатли воситалар ва усулларни яратишда ўқитувчиларининг кўрсатмаларига амал қилганлиги ва бу диний ва фалсафий қарашлар мамлакат тараққиётида муҳим назарий тамойил бўлиб келганлиги қиёсий ўрганилди. Амир Темур миллий давлатчилигининг буюк тарихий ва маданий мерос сифатида ушбу сиёсий фалсафаси бугунги кунда кўп тадқиқотлар мавзусидир. У яратган сиёсий фалсафа манфаатларнинг бирлашувида, халқнинг олий мақсадларига эришишда самарали ва ижобий рол ўйнаши тобора аён бўлмоқда. Бугунги кунда бир қатор манбалар ва нашрларда Амир Темур мероси бошқарув ва давлат бошқарувини такомиллаштириш, кучлар ва манфаатларни мувозанатлаш, барқарор ривожланиш шакллари ва воситаларини жорий этиш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик фалсафасини ўрганишда озод ғояга айланганлиги тўғрисидаги тадқиқотлар таҳлил қилинди.

Амир Темур жамиятнинг объектив ва субъектив қонуниятлари ривожланишини тушунадиган, бошқарувда анъаналар ва қадриятларни жорий этиш, унинг эҳтиёжларига жавоб берадиган воситаларни яратиш, давлат бошқарувида адолатни жорий этиш учун мукаммал тизим яратган тарихий шахс, буюк шахс сифатида эътироф этилади .

В статье освещены принципы религиозной философии великого полководца и государственного дейтеля Амира Темура к вопросам формирование государственной политики, обеспечение баланса между религией и государством. Изучается принципы и цели - средство, которое создавался на основе учение шариата в формирование праведливой власти. В этом контексте анализируется управленческие взгляды и наставление религиозных учителей Амира Темура. В статье расскрывается роль и значение Шайхов в формирование государственной политики правителя, которые служили укрепление целостности и могущества государственности в Мовараунахре.

Великое историческое и культурное наследие Амира Темура, который стал основой созданием политическую философию в создание национальной государственности с исламской идеи. Философская политики А Темура лишней раз доказывает, что соблюдение и уважение традиции, моральные ценности народа, это есть эффективное управление властью, достижении высоких целей в обеспичение справедливого общество.

В статье исследованы множество литературы, проанализировано и сопоставлена исторические факты в обеспечении эффективной управление государством и обществом. И в этом делается выводы, что обеспечение баланс сил и интересов, внедрении устойчивых форм и средств должны строятся на основе единой идеологии нации. Вот тогда, государство может обеспечит в обществе межэтническую и межрелигиозную толерантность.

Амир Темур всегда изучал объективных и субъективных законов развитие общество, которые создали совершенную систему приверженности традициям и ценностям. Таким образом, при создании научных основ регулирования отношений религии и государства, особенно сегодня необходимо, глубокого изучить наследие А. Темура как принципы политической философии нации.

Так же, в статье раскрывается значение изучение научных источников религии операющие на общечеловеческих и национальных ценностей, как принцип в укрепление взаимоотношение государство, общество и личности, На основе этих исследование разработаны научные рекомендации и выводы.

This article explores the balance between religion and state in the politics of the great commander and statesman Amir Temur. It is revealed that in his political activities he was an accomplished figure who managed to incorporate Islamic law into the principles of the secular state. It has been studied comparatively that the government has followed the teachings of its teachers in the creation of just instruments and methods, and these religious and philosophical views have served as an important theoretical principle in the development of the country. This political philosophy of Amir Temur's national statehood as a great historical and cultural legacy is the subject of much research today. It is becoming increasingly clear that the policy philosophy he has created has played an effective and positive role in the consolidation of interests, in achieving the highest goals of the people. Today, a number of sources and publications have analyzed the research that Amir Temur's legacy has become a liberating idea in improving governance and public administration, balancing forces and interests, introducing sustainable development forms and tools, and exploring the philosophy of interethnic and interreligious tolerance.

Amir Temur is regarded as a historical figure, a great figure who understands the development of objective and subjective laws of the society, creates a perfect system for administering traditions and values in governance, creating tools that meet his needs, and introducing justice in public administration.

Оламнинг мукаммал (Аллоҳ яратган) мўъжизаси инсоннинг ақл-тафаккури билан англанар экан, мавжуд борлиқ гармонияси дин ва давлат фаолияти ўртасидаги мувозанатнинг таъминланишида намоён бўлади. Бу икки қутбдаги бир хосият мавжуд оламга ҳукмронлик қилишда халқ билан муштарак мақсадлар уйғунлигида ифодаланади. Масала шундан иборатки, инсоният тарихида дин ва давлат муносабати муаммоси асрлар давомида анчайин зиддиятлар билан кузатилган жараён бўлиб келмоқда [Ravshanov, 2018]. Моҳият бизнингча, бир томондан диннинг сиёсийлаштирилишида бўлса, иккинчи тарафдан ҳокимиятнинг мутлақлаштирилишида. Улар турли "изм"ларнинг пайдо бўлишига ва оқибатда бутун бир миллатларнинг фожиавий қисматларига сабаб бўлиб келмоқда.

Оламнинг мукаммал яралиши унинг мувозанатида. Бу қонуният ҳақиқати ўз қадриятларига суянган жамиятдагина ривожланиши мумкин. Шунинг учун дин қадрият сифатида, давлат идора сифатида муштарак мақсадларга келиши билан жамиятда мувозанат вужудга келади. Яъни мазмун ва шаклнинг муқояси яхлит оламнинг уйғунлигига олиб келади. Инсоният тарихида қандай юксалиш бўлган бўлса, у мақсад ва манфаатлар муштараклигида ҳосил бўлган. Инчинун, мақсад бандаларга буюрилган таълимотда, манфаатлар эса давлатнинг сиёсатида намоён бўлади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, барча замонларда диний таълимотнинг, айни пайтда олиму-фузалолар ҳамда машойихларнинг давлат томонидан таъқиб этилишининг иккита сабаби мавжуд бўлган. Биринчиси, улар ўз илмлари билан ҳокимият эгалари учун доимо мухолифатдаги тарафлар ҳисобланган. Манфаатлар асосида қурилган давлат имкониятлари эса ҳокимият учун ҳукмронлик қилишнинг бирдан-бир манбаи саналган. Адолат эса риёкорликка қурилган мақсадларни фош қилади. Шунинг учун мухолифатни бартараф этиш иккинчи сабаб – ҳокимиятнинг чексиз имкониятларини вужудга келтирган. У зулм ва зўравонликдир. Айнан ана шу нуқтада дин ва давлат мухолифати сақланиб келади.

Шундай экан, мушоҳада учун савол туғилади, 150 йил мўғул истилосидан хўрланган, таҳқирланган, қадриятлари топталган Мовароуннаҳр халқи қандай қилиб Амир Темурнинг 35 йиллик ҳукмронлик даврида буюк бир империя пойдеворини бунёд этишга муяссар бўлди? 27 та давлатни бирлаштирган, тўра-тузуклар тартиботини вужудга келтирган маданиятнинг заминида қандай таълимотлар ётган эди? Инсон қудрати ва бунёдкорлик салоҳиятининг манбалари нималардан тўйинган ва юксалган? Сўнгсиз ғалабалар, халқнинг муштарак манфаатлари қандай қадриятлар билан уйғунлаштирилган? Халқни жипслаштирган яхлит мафкуранинг озуқа мезонлари нималардан иборат бўлган? Мақолада мазкур саволларга жавоб излаш билан А.Темур сиёсатининг фалсафий моҳиятини очиб боришга уринамиз.

Ушбу муаммоларга жавоб излаган олим З. Муқимов, – " Туронликларнинг эркка бўлган интилиш ва иродасини тарбиялаган ер, аввало, машҳур аждодлар ватанпарварлиги, сўнгра дини ислом ва шу юртда дунёга келган тўрт буюк тариқат бўлди", дейди. "Мўғуллар босқини арафасида шаклланиш босқичида бўлган Футувват (жавонмардлик, жўмардлик), Яссавия, Хожагон (кейинроқ Нақшбандия) ва Кубравия тариқатлари намояндалари таъсирида халқ эътиқодини поклаб, маънан ўзидан тубан турувчи душман устидан руҳий ғалабага эришди" [Муқимов, 2008, 28 б.], дея масаланинг моҳиятига кириб боради.

Айтиш мумкинки, Амир Темур ўз салтанати сиёсатини тасаввуф асосига қурган. Лекин, шу кунларгача ҳам Амир Темурнинг тасаввуф тариқатларига муносабатини белгилашда ягона фикрлар турлича. Биров уни футувватни ҳимоя қилган деса, бошқаси Яссавия, айримлари Хожагон ихлосманди сифатида ёритадилар ва баҳолайдилар [Яхшиликов, 1999, 24 б.]. Аслида бу фикрларнинг барчасида қандайдир ҳақиқат мавжуд.

Амир Темурнинг ҳаёти ва амалий фаолиятида жўмардлик қоидаларига риоя этганлиги тўғрисида далиллар жуда кўп. Бунга «Тузуклар»дан кўп мисоллар келтириш мумкин. Жўмардлик тарафдорлари наздида дунё бойлиги эмас, Аллоҳ ризолиги ва инсон қадри устун турган. Шу билан бирга, Амир Темур тасаввуфнинг Яссавия тариқатига ихлоси баланд бўлганлиги ҳақида ҳам далиллар бор. Бунинг сабаби бир томондан «... Яссавия таълимоти ўзининг мустаҳкам интизоми, пок исломий-мазҳабий, ирфоний-тасаввуфий ғоялари билан Туркистон халқларини мўғуллар зулми ва истибдодига қарши жипслаштириб тарбиялаб борган» [Усмон, 1991] лигида бўлса, иккинчи томондан, Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийнинг (1166–1167 йилда вафот этган) авлиёлик мартабасидан маънавий, руҳий озиқ, куч олиб келганлигидадир [Муқимов, 2008, 30 б.].

Мазкур фикрлар устоз А.Шер қарашларида ҳам мустаҳкамланади. Жумладан, у: "Чингиз босқини минтақа халқларини икки аср тараққиётдан тўхтатди. Буюк Амир Темур ва темурийлар даврида яна фалсафий тафаккурга қайтиш рўй берди" [Шер, 2019] дея, миллатни ҳурриятга етаклаган диний таълимот ва фалсафий дунёқарашнинг уйғун аҳамиятига баҳо беради.

Амир Темур ўз сиёсатини амалга оширишда ислом шариати ва тариқати илмларини, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий қарашларини ўрганиш ва амалда қўллаш билан муваффақиятга эришиш мумкинлигини англаб етган. У ўзи яшаб турган жамиятни энг етук ижтимоий тизимга айлантириш, фаровон ҳаёт қуриш мақсадидагина курашиб қолмай, балки бу ғояларнинг бутун дунёда тантана қилишига ҳам ҳаракат қилган эди [Муқимов, 2008, 31 б.]. Ана шу тарзда "Нақшбандия тариқати ғоялари Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда ва салтанатнинг бошқа ҳудудларида кучли ижтимоий мафкурага айланди", – деб ёзади файласуф Н.Ғойибов [Ғойибов, 2001, 10 б.].

Дарҳақиқат, диний билимларга тўйинган Амир Темур ўз сиёсатининг фалсафасини қадриятлар негизида қуриш асносида дин ва давлат мувозанатининг самарали воситаларини шакллантиришга

эришади. Бу эса ўз навбатида талатўп ихтилофларда қолган Мовароуннаҳр халқини бирлаштирувчи миллий мафкурага айланади. Шарқшунос М. Муҳаммадсидиқов "Диннинг муҳим вазифаларидан бири – шахс фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишдан иборат. Диндорлар диннинг жамият ҳаёти ва сиёсий жараёнлардаги иштироки чегараларини, олим эса – кишиларнинг яшаш шароитларини яхшилашдаги иштирокининг чегараларини белгилаши даркор" [Муҳаммадсидиқов, 2018, 25 б.] деб, дин ва давлат ўртасидаги мувозанат муаммоларига ишора қилади. Инчинун, Соҳибқирон жамиятни ҳаракатга келтирувчи ҳар бир мафкуравий элементларнинг функционал вазифаларини оқилона татбиқ этиш билан шариат қоидаларини сиёсатининг таркибига айлантиради. Бу ҳақида тадқиқотчи А.Султонов ҳам ўз мақоласида алоҳида тўхталиб изоҳлайди [Султонов, 2015].

Мовароуннаҳр халқлари маънавий ва маданий асосларини ислом дини шакллантириб келганлигини ҳисобга олсак, давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларига шариат қонунларининг таъсир кўрсатиши табиий эканлигига иқрор бўламиз. Айниқса, мўғул истилосининг ислом қадриятларига зулм кўрсатиб келиши юртда озодлик ҳаракатининг, мустақиллик ғояларининг вужудга келишида диний омилларга янгича маъно беради, униички сиёсий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бирига айлантирилади. Бундай жараёнлар халқни эл-юрт озодлиги курашига сафарбар қилишнинг мафкуравий пойдеворини яратади.

Мовароуннаҳрда XIV асрда Амир Темур томонидан вужудга келтирилган давлатчилик ана шундай тарихий қарама-қаршиликни уйғунлаштириш сиёсати билан юксалишга қадам ташлайди. Амир Темурнинг исломга, унинг олимларига юксак ҳурмати ва ўзининг маърифатли мусулмон сифатида давлатни ислом қонун-қоидалари асосида тузиши ҳам Мовароуннаҳрнинг диний ва тасаввуф марказига айланишига олиб келади. Унинг динга ривож беришда қўллаган тадбирларидан бири «сайидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга бошлиқ – садр этиб» тайинлашидир. Мусулмонларга диний таълим бериш учун, хусусан, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фиқҳдан сабоқ бериш учун ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилади [Муқимов, 2008, 62]. Шу тариқа бобомиз Амир Темур олиму-уламоларни ҳокимиятга қайтариш билан макон ва замон оралиғидаги жарликни тўлдиришга эришади. Зеро, маърифат соҳиблари илоҳий қудрат манбаини ижтимоий ҳаётнинг таркиби билан боғловчи воситачилардир. Улар шу сифатлари билан давлат ва жамиятнинг мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилганлар.

Тарихдан бизга маълумки, империяларнинг вужудга келиши ва дунё тамаддунига улкан маданий мерос қолдиришининг сабаби ўз таълимотларига содиқ сиёсатининг намунаси, деб биламиз. Аксинча ҳолатларда, давлатларнинг таназзули қадриятларидан мосуво бўлган сиёсатнинг ифодасида намоён бўлган. Яъни шакл ва мазмуннинг зиддиятида. Аксарият ҳолларда сиёсатчилар ҳам, дин пешволари ҳам ўз йўналишларида шаклга урғу бериб, мазмунга аҳамият қаратмайдилар. Тафаккурда устунлик қилувчи нафсу маърифий ноқислик алалоқибат ҳокимиятни таназзул сари етаклайди. Шу тариқа мазмун шаклнинг ёки шакл мазмуннинг хусусиятига фаол таъсир кўрсатади. Уларнинг уйғунлиги сиёсатнинг фалсафасини ташкил этади.

"Дину шариат тузуки" бобида Соҳибқирон сиёсатининг фалсафаси шундай сўзлар билан асосланади: "Ўз тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас, тура-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи қудрати ва тартиби йўқалади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тусиғи йўқ уйга ўхшайди" [Темур тузуклари, 2018, 75 б.]. Дарҳақиқат, давлат дину тартиб (қадриятлар) асосида қурилмаса ва унинг мазмуни қонунларга боғланмаса, ундай салтанатнинг қудрати ва тартиби бўлмаслиги тайин. Бобомиз бу ўринда "дину тартиб" деганда ижтимоий маданиятни, "тура-тузук" деганда эса ижтимоий сиёсатни назарда тутади. Улар бир-бирига уйғун бўлгандагина жамият ривожланади. Бундай фалсафанинг умрбоқийлигини замонавий олимлар исботлайдилар. Жумладан, АҚШлик исломшунос Б.Люис: "Ислом ташкил топганидан бошлаб мусулмонларда дин ва давлат узлуксиз боғлиқлигини кўрсатиб келади, буни ёзма манбалар, тарих ҳамда тажриба асослайди" [Lewis, 1981, 133-154 б.], деб таъкидлайди. Шундай экан, сиёсатшунос А.Х. Якубнинг фикрича: "Сиёсат ва диннинг алоқадорлиги ислом дини принципларида жамланган идеал жамият яратишдек фикрлар билан мос келади" [Якуб, 2005]. Ўринли! Акс ҳолда, адолатли давлатнинг идеал ғояларини бошқа маданиятлардан излаш керак булур эди?

Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг ахлоқий қарашлари билан асосланади ва диний маданият устига қурилади. Шунинг учун ҳам Темур назарида ҳар қандай сиёсатнинг муваффақияти подшоҳнинг ўз фуқароларига бўлган марҳаматидадир. «Қуръонда, – деб ёзади Темур, – агар подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менинг барча ишларимда ана шундай подшоҳлар менга ибрат

бўлди». Шундай қилиб, Темур ҳам адолат ҳақидаги ўз қарашларини диний тамойиллар асосида баён қилди [Муқимов, 2008, 28 б.].

Адолат – сиёсатнинг фалсафаси. Адолат йўқ экан, сиёсат қарор топмайди! Сиёсатнинг мазмуни адолатда вужудга келади. У ҳокимият учун тенглик меъёрларини белгилаш амали, жамиятда манфаатлар уйғунлигини белгиловчи, барқарорликни, ривожланишни таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади. Адолат ижтимоий муносабатларнинг барча соҳа ва йўналишлари орқали давлат бошқарувининг шу мезонларга бўйсундирилган тизимини ташкил этишга ҳамда амалий фаолиятини таъминлашга қаратилади. Бу тизим орқали жамиятда манфаатлар мувозанати таъминланади. Мувозанат барқарорлик кафолати ва тараққиёт гарови демакдир. Адолат – бу инсон учун ижтимоий эҳтиёж ва зарурат. У шу туйғу асосида муносабатлар мувозанатини таъминлайди, тартибга солади, неъматларини тақсимлайди, фуқароларга ғамхурлик, мурувват ва саховат кўрсатади, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаради, эркинлик ва озодликдан баҳраманд бўлиш имкониятини яратади.

Бир пайтлар бобомиз Ҳусайн Воиз Кошифий адолатга шундай таъриф берган эканлар: “Адолатнинг маъноси халқнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлашдир. Адл шундай зийнатдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир қуёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади.

Ҳадисда ёзилишича, бир соатлик адолат тарози палласи олтмиш мукаммал ҳаждан оғирроқ экан. Негаки, ҳажнинг натижаси, яъни фойдаси ҳожилардан ўзга кишига бўлмайди, адолат фойдасидан эса катта-ю кичик баҳраманддир. Дин ва давлатнинг ривожи ва шавкати унинг баракатидан барқарор бўлади, мулку миллат асбоби унинг ёрдами билан тўғри бўлади. Адолатнинг савоби чегарасиздир ва ақл қиёсидан ташқаридир” [Кошифий, 2010, 47 б.].

Адолатнинг чегарасизлиги ва инсон ақл қиёсидан ташқари эканлиги бу худонинг иродасига ишора. Бобомиз Амир Темур ҳазратларининг очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзига ром қилиши, адолат билан иш юритиши, жабр-зулмдан узоқда бўлишга интилиши [Темур тузуклари, 2008, 85 б.] Худонинг ердаги ноиби сифатидаги мажбуриятини англаши эди. Ҳукмдорнинг ўз фуқароларини рози қилиши худонинг иноятига сазовор бўлиш билан баробар. Бу ўз навбатида сиёсат фалсафасини ифода қилади. Ана шу фалсафа йўқ экан, ҳукмдор шавкатли, давлат қудратли бўла олмайди. Бобомиз Амир Темур ҳазратлари ана шундай фазилатларни уйғунлаштирган ноёб истеъдод соҳибларидан эдилар. У кишининг сўнмас ғалабаларининг заминида диний қадриятларнинг куч-қудрати ётади.

Амир Темур ислом дини таълимоти ва турли халқлар маданий меросини чуқур ўрганган ва унга амал қилишнинг тартиб-қоидаларини ташкил этишга эришган буюк давлат арбоби ҳамда йирик тафаккур соҳиби сифатида намоён бўлади. Жумладан, у шундай дейди: – “Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганини сураб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва жаҳон аҳли аҳволидан хабар топар эдим» [Темур тузуклари, 2008, 89 б.].

Сиёсий етакчилар ҳақиқатни жамиятнинг турли қатламларига хос бўлган мураккабликлар, зиддиятлар, умид ва мағлубиятлар билан биргаликда қабул қила олишлари даркор. Сиёсий етакчи жамиятнинг сиёсий ҳаётини куч ва кучсизлик манбалари ҳақидаги тасаввурлари асосида ташкил этади ва бошқаради. Шу боис, у инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи амалий тафаккурга таяниши талаб этилади [Джабири, 1992, 114 б.]. Амир Темур зиммасига ана шундай вазифа юкланди.

Маълумки, бу давр ўта таҳликали давр бўлиб, Мовароуннаҳрнинг тадқири, халқнинг қисмати қил устида турган пайт эди. Душман истило чангалини санчиб турган ушбу зиддиятли вазиятда Амир Темур ўз мақсадларини белгилаш ва қарорларини қабул қилишда сўянган дастлабки асосларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ул зот давлат бошқарувининг илк сабоқлари сифатида Амир Кулолдан олган мероси “Темур тузуклари”нинг дастлабки саҳифасида пирининг насиҳатлари зикр этилган хатни қайд этиш билан бошланади: – “Пирим менга ёзмишларким, “Абулмансур Темур салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) (ўзинг билан) кенгаш, 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар, 4) эҳтиёт бўл”, – дейди муршид буюк салтанат қуришга отланган шогирди-муридига [Темур тузуклари, 2008, 10 б.]. Кейинчалик Амир Темур фаолиятида пирининг мазкур сабоқлари қудратли ва шавкатли давлатчилик сиёсатининг фалсафасини ташкил этишга хизмат қилади.

Чунончи, Соҳибқироннинг ўзи бу ҳодисани шундай хотирлайди: “Чингизхон авлодидан бўлмиш Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳр мулкини босиб олиш қасдида қўшин тортиб, Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, менга, амир Хожи Барлос ва амир Боязид Жалойир номига ёрлиқ жўнатиб, унинг ҳузурига боришимизни талаб қилган эди. Улар мен билан кенгашдилар: «Ўз эл-улусимиз билан Хуросонга кетайликми ёки Туғлуқ Темурхон қошига

борайликми?» Мен уларга бундай йўл кўрсатдим: «Туғлуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир. Хуросон томонга ўтиб кетишнинг (эса) икки зиёни, бир фойдаси бордир». Улар менинг кенгашимга кирмадилар ва Хуросон томонга кетдилар" [Темур тузуклари, 2008, 13 б.]

Манбалардан маълумки, барча беклар жон талвасасида юртини ташлаб кетган чоғида Амир Темур пирлари Амир Кулолнинг маслаҳатлари билан Тўғлуқхоннинг олдига боради. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, ёшлигиданоқ ўз ҳаёти-фаолиятини Қуръон оятлари билан муқояса қилишга суянган Соҳибқирон мустақил давлатчиликни ташкил этишнинг дастлабки ҳаракатларида ҳам бу одатига амал қилиб сиёсат юритиши унинг фалсафасига айланади. Жумладан, у шундай изоҳлайди: "Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олгач, кейин Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлуқ Темурхон олдига боришдан аввал Қуръондан варақ очсам «Сураи Юсуф алайҳис-салом» чиқди ва Қуръони мажид ҳукмига амал қилдим [Темур тузуклари, 2008, 14 б.] Унда шундай дейилган. "Подшоҳ: "Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан", дейди. У билан гаплашганда эса: "Албатта, сен бугунги кунда ҳузуримизда матонатли ва ишончли кишилардансан", [Қуръон, 2017, 242 б.], дейилади.

Кейинги тафсилотлар маълум, Туғлуқ Темурхон Амир Темурни ўз Ватанига тайинлайди ва бу хусусда ёрлиғу ахднома ёзиб беради. Амир Қарачор нўённинг Мовароуннаҳрдаги туманини унга топширади. Натижада у бутун Мовароуннаҳр вилоятига, то Жайҳун дарёсининг соҳилларигача чузилган ерларда ҳукм юрита оладиган даражага эришади. Давлат ва салтанатнинг бошланишида энг аввал қилган кенгаши дин уламолари маслаҳатлари билан хосиятли қадамлар бўлди.

Х.Бобобеков бу масалаларга анча илгари аҳамият қаратгани жуда ибратли тавсия деб биламиз. Жумладан, "Темур қиссаси"нинг сўз бошида: - "Амир Темурнинг кўрган тушлари ва уларни шарҳлаб, режаларига таққослаб кўриш, кўплаб тушлари тўғри бўлиб чиқиши хақида қизиқарли маълумотлар бор. Булардан ташқари жангдан ёки ҳарбий юришдан олдин Амир Темурнинг ўзи Қуръонга асосланганлиги батафсил ёритилган. Булар хақида бизнинг машҳур темуршунос олимларимиз негадир ҳеч нарса демаганлар. Эҳтимол, бунга шўролар давридаги атеистик дунёқараш тўсқинлик қилган бўлиши мумкин" [Бобобеков, 2004, 13 б.] дейди.

Муаллиф таъкиди бўйича, бу қарашларда Амир Темурнинг қанчалик зукко ва ҳақиқий стратег ҳамда тактик саркарда бўлганлигини баҳолаш мумкин. Амир Темурнинг тушлари ва Қуръонни тафсир қилиши танлаган қарорлари мантиғи, сиёсий вазиятнинг реал ҳолатга мувофиқлиги, саркарда ва сипоҳларнинг руҳияти, табиий ва жисмоний имкониятлар мутоносиблиги, душман тарафнинг жанговор шайлиги, яъни ғалабага таъсир кўрсатувчи барча қисм унсурлари обдон мушоҳада қилинганки, улар ҳарбий қўшинларга ишонч ва куч-қувват ато этган. Шу тариқа Соҳибқироннинг мушоҳада ва тафаккур талқинлари сиёсатининг диний фалсафасини белгилашга хизмат қилган.

Мана шундай башоратлардан бирини тавсия этамиз: "Ва яна салтанатимга топган башоратлардан бири бу эдики, Рум мамлакатини эгаллашга отландим. Шунда Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг китобларидан фол олдим ва у китобдан бир рубоий фолимга чиқди ва мен у рубоийни хотиримда сақладим ва Қайсар лашкарига юзма-юз бўлган чокда ўша рубоийни етмиш марта такрор ўқидим ва фатҳ этдим.

Рубоий:

Ялдо кечани шамъи шабистон этган,
Бир лаҳзада оламни гулистон этган.
Бас, мугикил ишим тушубтур, осон этгил.
Эй, барчани мушкулини осон этган». [Бобобеков, 2004, 35 б.]

Ватан ишқи, эл-улус озодлиги, юрт қадр-қиммати, ор-номуси тўйинган юксак қалбнинг руҳий манбаси сифатида Соҳибқирон ислом динига сўянади ва ундан маънавий озуқа олади. Бу озуқа у тузмоқчи бўлган давлатнинг пойдевор – заминига айланади. Бу борадаги иккинчи қутлуғ қадамлари ҳам пирларининг маслаҳатлари билан юзага чиқади. 1360 йилларнинг бошида Темур Самарқанддан чиққанида унга олтмиш отликдан бошқа ҳеч ким эргашмади. Шундан сўнг у Амир Кулол ҳузурига йўл олади: "Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурига бордим. Ул зот менга Хоразмга боришимни маслаҳат берди. Агар мўғуллар устидан ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини ул зотга назр қилишни кўнглимга тугдим. У менга зафар тилаб фотиҳа ўқигандан сўнг, кетишимга ижозат берди", – деб ёзилади "Темур тузуклари"да [Темур тузуклари, 2008, 20 б.].

Бизни бугунда ҳам шубҳасиз ҳайратга солаётган сабоқ Амир Темур илоҳий Қуръон сураларини давлат бошқарувининг моҳият-мазмунига сингдиришга эришган ноёб истеъдодли ҳукмдорлардан бири бўлиб гавдаланади. Диний қадриятларни сиёсат билан, сиёсатни эзгулик билан, мақсадни манфаат билан боғлаш учун ниҳоятда йирик фалсафий тафаккур талаб этилади. Аслида давлатчилик ана шу узвийликни таъминлаш санъати даражасида юксалади. Шу маънода Амир Темур тасодифий тарихий шароит тақозоси билан ҳокимиятга келиб қолган ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, ўз

сиёсатини изчил ва мақсадли ташкил эта олиши билан тарихий вазиятни ўз ҳукми-иродасига бўйсундиришга эришади. Бу ишларга унга маънавий дастуриламал бўлиб ислом дини хизмат қилади. У шундай дейди: “ Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини тура ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди” дейди [Темур тузуклари, 2008, 84 б.].

Назаримизда кўпчилик тадқиқотчилар қарашларида шу ерда бир мунча янглиш хулосалар ҳам бор. Эмишки, Амир Темур диний таълимотларни бошқарув идораларига татбиқ этмаган, тўра-тузуклар ва “Ясо” қоидаларига асосланган, дейилади. Айниқса, рус ва чет эллик олимлар Амир Темур ислом динидан “фойдаланган”, деган ибораларни ўта асоссиз ва масъулиятсиз важлар қаторида ишлатишади. Аслида Амир Темур диндан “фойдаланмайди”, унга суянади. Тўра-тузукларнинг моҳиятини ислом шариати қоидалари асосида ташкил этади.

Бу борада устоз Убайдулло Уватов Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” китобларига ёзган сўзбошиларида ҳам эслаб ўтади. Унда шундай таъкидланади: “Кенг халқ оммаси орасида ўз обрў-эътиборининг ёйилишига хизмат қилган мусулмон руҳонийлари билан Темур яқин муносабатда бўлганига Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар ҳам яққол мисол бўлади. Жумладан, муаллиф Темур ўзи қўлга киритган барча ютуқлари Шайх Шамсиддин ал-Фохурий, Шайх Зайнуддин ал-Хавофий ва Саййид Бараканинг мададида бўлганлигини такрорларди, деб ушбу шахсларнинг Темур ишларида қўшган ҳиссаларини таъкидлайди. Араб тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг (вафоти 1407 йил) ёзишича, Темур Дамашқни муҳосара қилганда шаҳар қалъасидагилар узоқ муддат Темурга таслим бўлмай, қаршилик кўрсатаётган пайтда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳарамлари вакилларидан бири Умм ал-Ҳабибанинг қабрини ташландиқ ҳолда кўрган. Темур ўз хизматчиларига қабр устида гумбаз қуришларини буюрганда, буни кузатиб турган шаҳар аъёнлари Темурнинг бу феълини мақтайди ва қаршиликни тўхтатиб, у билан сулҳ тузишга ташвиқот қиладилар. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ ҳам ёзиб, Темур амри билан пайғамбар харамлари қабри устига бир-бирига ёндош икки қубба қурилганини ҳикоя қилади. Шунингдек, муаллиф, Темур Хомсни талон-тарож қилмай, уни шу шаҳарда дафн қилинган Холид ибн Валид руҳига бахш этганлигини зикр қилади” [Арабшоҳ, 1992, 53 б.].

Диннинг жамият ҳаётидаги ролига тўхталиб, унинг шахс томонидан маънавий ва ахлоқий қоида, нормаларини англашдаги ўрни алоҳида эътирофга лойиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Дунёвийлик ҳам ўз қарашларини ифодалаган ҳолда, уни ҳаётга татбиқ этишга интилади. Илм-фан эса, сиёсат, иқтисод ва маданият билан бир қаторда, ижтимоий муаммолар билан шуғулланиш асносида инсонни ўраб турган оламни ўзгартиришга ҳаракат қилади [Колесников, 1999, 34 б.]. Бундай сиёсий фаолият барча учун умумий бўлган дин ва давлатнинг бир мақсад (халқ) йўлидаги мувозанатини таъминланишига олиб келади.

Умуман олганда сиёсий таъсир хусусияти барча дунё динларига хос бўлиб, турли тарихий даврлар ва давлатларда бу ҳолат турлича кечган. Диннинг сиёсийлашуви – бу доимий жараён бўлиб, то жамиятда дин ва сиёсат бор экан, давом этаверади. Бироқ исломнинг сиёсийлашуви ҳақида том маънода гапириб бўлмайди, чунки исломда дин ва сиёсатга бўлиниш йўқ [Муҳаммадсидиқов, 2018, 40 б.].

Амир Темур: “Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом ва чироқ билан таъминласинлар. Биринчи навбатда амир ал-муминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг карами ва эҳсони бўлсин, муқаддас дабрларини яхши саклаш учун Нажаф билан Ҳиллани вақф этиб берсинлар. Имом Ҳусайннинг, Аллоҳ ундан рози бўлсин, нурга чўмган муқаддас мозори, авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг муқаддас қабри, Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, мақбарасини, Бағдодда нурга чўмган бошқа машойихлар, дин пешволари, улуғларнинг мозорларини яхши саклаш учун баҳоли қудрат Карбало, Бағдод ҳамда уларнинг атрофидаги қишлоқлар ва бошқа жойлардан вақф сифатида ер-сув ажратсинлар. Имом Мусо Козим, имом Муҳаммад Нақий, Салмон Форсийларнинг нурли равзалари учун эса Жазоир экин майдонларидан ва Мадоин даромадидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусонинг табаррук равзалари учун Кутаҳбаст ва Тус шаҳри атрофидаги ерлардан вақф ажратсинлар ва палос, чироқ ҳамда кундалик емиш-ичмишлар белгиласинлар. Шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мозорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида, номма-ном назру вақфлар ажратсинлар” [Темур тузуклари, 2008, 138 б.], дейди. Ушбу эзгу амалларни қандайдир сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланилган, деб қараш Амир Темур фаолиятига берилган ниҳоятда саёз баҳолардан, деб изоҳлаш мумкин. Зеро, сиёсатда диний ақидалар билан никобланиш бор ҳодиса бўлсада, у зот учун бу каби “майда ўйинлар”

анча ёт иллат бўлиб, руҳий маданиятининг амрига амал қилган, дейишимизга барча асосларимиз бор. Шу сабабдан у киши ҳар бир қарорларини устозлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг талқинларига суянгани, эришилган зафарларида устозларининг мадади бўлганлиги “Тузук”ларида ва бошқа муаррихлар асарларида келтирилган.

Соҳибқирон табиатан вазиятларни олдиндан кўра билиш, ихтилофу истиқболларни башорат қилиш, таҳлил ва тахмин қилиш, ишонтириш, сафарбар қилиш каби чуқур фалсафага эга шахс эди. Шу туфайли ўзини ҳам қандай тақдир-қисматлар кутиб турганлигини яхши англаган. Бу борада у шундай дейди: “Ўз-ўзимча: «Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки – ер юзига эгалик қиладиган подшоҳ ҳам битта бўлиши керак», – деб ўйлар эдим. Шу пайт (авлиёлардан ҳисобланган) Бобо Али Шоҳ ҳузуримга келди ва: «Темурбек, Тангри таоло буюрганки, агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур», — деди. Мен унинг сўзларида ҳидоят топдим. Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу қутлуғ оят чиқди: «Инна жаалнака халифатан фил арз», яъни «Биз сени ер юзига халифа қилдик». Мен буни (истиқболнинг) хайрлик ва муборак фоллари қаторига киритдим» («Сод» сураси 26 оят) [Темур тузуклари, 2008, 40 б.]. Унда шундай дейилган: “Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавои нафсга эргашма! Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун Ҳисоб кунида шиддатли азоб бордир” [Қуръон, 2017, 454 б.].

Аллоҳнинг ягона соҳиблиги ва ҳукмдор унинг ердаги ноиби эканлиги диний масала, лекин, Амир Темур томонидан сиёсат фалсафаси даражасида идрок этилиши давлат бошқарувининг мукаммал иерархиясини ташкил қилишга олиб келади. Шу жиҳатдан Амир Темур салтанат ҳукмдорининг шериги бўлмаслиги, ўз ҳукми ва қарорида мутлақ бўлсагина давлат мустаҳкам ва барқарор бўлишлигини амалда таъминлашнинг воситаларини жорий этишга эришади. Ўғли Мироншоҳга ўлим жазосини тайинлаганда ҳам, аслида, ҳукмдорлик (амбициясидан) туйғуларидан кўра, ислом дини қадриятларига содиқ қолиш ҳиссиёти устун келган. Фақат атрофдагиларнинг иккинчи бир юқори “падаркушлик” важини келтиришганларида қароридан қайтишга мажбур бўлади.

Оламнинг мужизавийлиги барча ҳодисаларнинг ягона-мутлақлигида ва яхлит-уйғунлигида. Давлатнинг ишига ҳар ким бош сўқиб кўравериши оқибатлари замонавий бошқарувнинг ҳам таълимотига зид келади. Бу диний таълимот давлат бошқаруви барқарорлигини, кучлар нисбати мувозанатини таъминлашда бугунда ўта муҳим аҳамият касб қилишини яхши биламиз. Аммо, “демократия” қобиғи остида ҳали шаклланиб улгурмаган қадриятлар тизимида бошқарувнинг номукаммал ёхуд мавҳум қоидалари бошбошдоқликларга сабаб бўлади. Бу борада Амир Темур бобомиз “Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (Ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди” [Темур тузуклари, 2008], дейдилар.

Соҳибқирон диний қадриятлар асосида давлат қурилиши тартиботининг тузукларини мувофиқлаштиради. Бундай фалсафий қарашлар қаердан пайдо бўлган? Амир Темурнинг пирлари берган кўрсатмалар қаердан олинган? Улар давлат бошқарувига дахлдор бўлган таълимотлардан ташкил топган бўлса, бугун нега сиёсатимиз ва бошқарувимиз таркибига айланмай келмоқда?

Биздаги маълумотлар анча тор ва кўпроқ ривояту-ҳикматлар билан таърифланган манбалардан иборат бўлиб келаётганлиги ачинарли ҳолат. Аёнки, Амир Темур “Тузуклари”даги барча тўра-тузуклар пирлари берган маслаҳатлардан шаклланган дастуруламал ҳисобланади. Бу қоидалар шубҳасиз Мовароуннаҳр халқининг улкан маданий меросини ва давлатчилик тажрибасини қамраб олади. Шундай бўлсада, ҳанузгача Соҳибқироннинг пирлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисида манбалар ҳам йўқ ҳисоби. Айни пайтда, улар сўянган ва яратган таълимотлар тўғрисида анча мавҳум далилларга асосланиб юрибмиз. Борлари ҳам илмий мубоҳаса киритилмаган.

Биздаги маълумотларга кўра, Амир Темурнинг тўртта шайхга нисбатан ихлоси жуда баланд бўлган. Булар – Шамсиддин Кулол, Амир Кулол, Саййид Барака ва Зайниддин Тайободийлардир.

Биринчи пирлари Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг пири (ваф. 1370 й. Кеш). 1373–74 йилларда Амир Темур Шамсиддин Кулол қабри ёнида гумбазли мақбара қурдиради ва отасининг хокини ўша ерга кўчиртириб, Шамсиддин Кулол қабрининг қибла томонига дафн этади.

Хожа Шамсиддин Кулол XIV аср бошида Қашқадарё воҳасида таваллуд топган ва ёшликдан дарвешлик йўлини тутган. У устози Саййид Амир Кулол каби кулолчилик билан кун кечиргани боис «Кулол» лақабига эга бўлган. Шамсиддин Кулол ҳам Амир Темурнинг пирларидан бири бўлган.

Бир ривоятга кўра, Хожа Шамсиддин Амир Темурнинг таваллудини ва жаҳонгирлик саодатини олдиндан каромат қилган. Унда айтилишича, амир Тарағай бир туш кўради. Тушида унга шамшир беribдиларки, унинг шуъласидан бутун олам мунаввар бўлибди. Ўша ҳолда қўлидан чор тарафга фаввора янглиғ сув отилиб, ерни қоплабди. Бундан мутаассир бўлган амир дарҳол пири Хожа Шамсиддин ҳузурига келиб, тушини айтиб беribди. Хожа бир зум ўйга ботиб, бундай дебди: "Эй амир Тарағай, сенинг наслинг хонадони салтанат бўлғай ва ул салтанатни сендан туғилажак фарзанд тиклағай. Ул фарзанд оламни шамшир бирла забт айлагай ва замона, тобеълар ва халойиқ андин мамнун бўлғай".

Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темур Мовароуннаҳр тахтига ўтирганидан етти ой ўтгач, 1370 йил 28 ноябрда оламдан кўз юмган. Хожа билан Амир Темурнинг отаси амир Тарағайнинг қабри Шаҳрисабздаги Дорут-Тиловат хонақоҳида ёнма-ён жойлашган [Даврон, 1994].

Мазкур шайх ҳақида манбаларда маълумот жуда оз. Аммо у Темурнинг илк руҳоний устози эканлиги бизга маълум. "Рашаҳот"да ёзилишича, шайх Шамсиддин Кулол Амир Кулолнинг улуғ асҳобларидан, Ҳижозга сафар этган: Ироқда шайхлар билан мулоқотда бўлган ва кейин Тангрига етишишнинг улар танлаган йўлини Мовароуннаҳрга тарқатишга уринган [Қиёмов, 2018].

Нақшбандия тариқати вакиллари Амир Кулол ва Шамсиддин Кулол ҳақида манбаларда турли хил талқинлар учрайди. Ҳатто бу икки шахс аслида бир одам деган тахминлар ҳам бор. "Темур тузуклари" изоҳларида Амир Кулол "Шамсиддин Кулол" деб зикр этилади [Қиёмов, 2018].

Иккинчи пирлари – бу Саййид Амир Кулолдир. У 1305 йилда Бухоро шаҳрига яқин Сухор қишлоғида туғилган. Хожагон-Нақшбандия тариқатининг бу буюк сиймоси кулолчилик билан шуғулланган. Амир Темур Амир Кулол билан тахминан 1363 йилда танишади. "Мақомати Мир Кулол"да ёзилишича, Амир Темур Бухорога келиб, Ҳазрат Саййид Мир Кулолдан дуо олганидан сўнг қудратли империяга асос солади. Кунлардан бир куни Темур ҳазрати пирни ҳузурига чорлайди. Лекин Амир Кулол унинг ҳузурига ўғли Амир Умарни жўнатади ва фарзандига дейди: «Эй фарзанд, Амир Темурга айтинг, агар Аллоҳ таоло даргоҳидан умидвор бўлсангиз, тақво ва адл (адолат)ни рўзғорингиз шиори айлангиз. Огоҳ бўлинг, эй фарзанд, Амир Темур сизга кўп назр ниёз бермоқчи бўлади. Зинҳор қабул этманг... Зеро, дарвешлар мудом мўминлар дуоси билан машғул бўлиши керак. Агар молу давлатга майл кўрсатсалар, алар дуолари ҳижоб ичра қолур, ижобат бўлмас". Айтилгандек, Амир Умар Темур ҳузурига бориб, отасининг панд-насиҳатларини Соҳибқиронга етказади. Аммо ҳеч қандай совға-салом қабул қилмайди. [Қиёмов, 2018]

«Мақомоти Амир Кулол» китобида Саййид Амир Кулолнинг тарихлари тўлиқ баён қилинган. Бу китобнинг муаллифи Шаҳобиддин, Амир Кулолнинг чеваралари, яъни Амир Кулолнинг Ҳамза исмли ўғилларининг невараси (қизларидан). Амир Кулол саййидлардан, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с)нинг уруғларидан. Оталари Амир Ҳамза бўлиб, Ҳижоздан (ҳозирги Саудия Арабистони) Бухоронинг Афшона (Пешку) қишлоғига кўчиб келганлар. Бу ерда у кишини турк машойихларидан Саййид ота (қ.с.) (ваф. 1321 й, Аҳмад Яссавийнинг муридларидан) кўргани келиб турар эдилар. Саййид ота биринчи бўлиб Амир Кулолнинг келажакда улуғ инсон бўлишларини башорат берганлар (1284–1285 й.). Кунлардан бир кун Саййид ота Афшонага келадилар ва Саййид Амир Кулолнинг оталарига айтадилар: «Эй биродар, сизга Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло бир фарзанд каромат қиладики, унинг файзи жаҳоннинг бошидан охиригача етади. Албатта, унинг исмини Амир Калон қўйинг».

Ҳазрат Амир Кулолнинг биринчи устозлари Яссавия тариқатининг пири, турк машойихи Саййид Отадирлар. У киши ҳазратнинг туғилишини башорат қилиш билан бирга, қандай шахс бўлиб вояга етишларини айтиб, номларини ҳам қўйганлар. Кейинчалик бу муҳтарам Шайх Амир Кулолнинг тарбиялари билан шуғулланганлар.


Ҳазрат Амир Кулолнинг иккинчи устозлари Хожагон тариқатининг йирик мутасаввифларидан Муҳаммад Бобойи Самосий (ваф.1354) эди. Бу улуғ зот билан Ҳазрат Амир Кулол 15 ёшда бўлганларида учрашганлар ва 20 йил узлуксиз у кишининг хизматларида бўлганлар.

Ҳазрат Саййид Амир Кулол силсила омонатини Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан олиб, ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувоний асос солган «Хожагон» тариқатининг пирларидан ҳисобланадилар. Ҳазрат Саййид Амир Кулол тасаввуфдаги мўътадил ғояларнинг тарафдори бўлган. Саййид Амир Кулолнинг 114 та етук шогирдлари бўлган. Улардан машҳурлари: Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ориф Дехғароний, Амир Кулол Воший, Алоуддин Консуруний, Хожа Шайх Дарзуний, Шамсиддин Кулол, Жалолиддин Кеший. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу зотни ўзига пир-устоз санаган [Амир Кулол, 2017].

«Шайхул шуюх», «Султонул тариқа», «Бурҳонул ҳақиқат», «Ҳазрат борифъат», «Шарафул мустафвил», «Зайнул ворисун вал муҳаққиқин» каби фахрли унвонлар эгаси Саййид Амир Кулол ҳи-

жрий 772 йил жумадил аввал ойининг саккизинчи куни, пайшанба эрталаб, милодий 1370 йилда оламдан ўтадилар. Ҳазратнинг васиятига асосан, Мавлоно Ориф Деҳгароний билан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ул зоти шарифнинг муборак жасадларини тупроққа қўядилар [Даврон, 1994].

Саййид Амир Кулол мақбараси



Мазкур мақбара Сухар қишлоғида (Бухородан шимолга 25 км.) жойлашган.

Қиссалардан бирига, шунингдек, апокрифик асар «Малфузат-и/Тузукат-и Темури»га кўра, Амир Кулол Амир Темурга фотиҳа берган ва унга буюк келажакни башорат қилган.



Мустақиллик даврида когонлик диндорлар ва Нақшбандий-Мужаддиянинг ташаббуси билан Амир Кулол дафн этилган жойдан узоқ бўлмаган ерга кўримсиз мақбара кўтарилган. Шу билан бирга, авлиёнинг аниқ кўмилган жойи белгиланмаган. 2008 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан авлиёнинг аниқ дафн этилган жойи аниқланган ва 6 га майдон атрофига икки қаватли мақбара бунёд этилган. Асосий кўмилган ҳужраси кўфий ёзувлари билан зийнатланган, иккинчи бино эса шаклдор ғиштлар билан безатилган бўлиб, ранглар ва соялар антиқа ўйинини акс эттиради.

Учинчи пирлари – бу Зайниддин Абубакр Тайободий. Шайхулислом, мавлоно Зайнуддин Абубакр Тайободий Ҳирот яқинидаги Таёбод қишлоғида дунёга келган. «Зубдат ут-таворих» асарида Ҳофизи Абру Амир Темурнинг Хуросонга юриши (782/1381) пайтида у билан учрашгани ҳақида ҳикоя қилган. Муаррих Фасиҳ Хавофийнинг (XV аср) «Мужмали Фасиҳий» асарида ҳам шундай маълумот келтирилган ва Тайободийнинг 1389 йил 29 январда вафот этгани айтилган [Темур тузуклари, 2008, 9].

“Мужмали Фасиҳий”да ёзилишича, Амир Соҳибқирон улуғ шайхулислом мавлоно Зайниддин Абу Бакр ат-Тойободий таъзимига жўнади ва у билан суҳбатда бўлишга муяссар бўлди. У Амир Соҳибқиронга насиҳат қилди ва ўша пайт гўё айтгандики, “сен Ҳиротни забт этганингда, одамларни ҳайдама, шаҳарни қирғин қилиб, аҳолига нисбатан ёвузлик этма”. Амир Соҳибқирон сўради: “Нега ўзингиз Маликни бунга мажбур қилмадингиз?” Буюк мавлоно жавоб қилди; «Мен Маликка айтган эдим, лекин гапимни қулоғига олмади ва сени уни устидан устун қилишда, мен сенга ҳам насиҳат қиляпман, агар қулоғингга олмасанг, сенинг ўрнингга бошқани кўтаришади”. Амир Соҳибқирон кўрагон тилга олинган улуғ жанобнинг олдидан чиқаётганида деди; “Мен Ҳиротни забт этиб бўлдим, шундайки, Ҳирот аҳолисининг хоҳиш-истаклари улуғ жаноб шайхулислом тили билан айтилганидек эди» [Қиёмов, 2018].

Навқиронлик палласидаёқ Темурбекнинг фаҳму фаросатининг қат-қатидан пири Зайнуддин Тайободий тилидан айтилган “Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда турилмайди” ҳикмати жой олди. Бу ҳикматни қуруқ шиор эмас, амалий фаолият учун асос деб билган Амир Темур салтанат муҳрини «Куч адолатдадур» битиги билан зийнатлади ва салтанат адолатли бўлиши учун раият — халқ аҳволидан огоҳ бўлди, золимларнинг тажовузли қўлини мазлумлар этагидан юлиб ташлади, улуғларни оға, кичикларни фарзанд қаторида кўрди. Адолат барқарор бўлиши учун у энг аввало қонунлар ҳукмронлигини ўрнатишни бош мақсад деб билди.

Амир Темур билан шайхнинг илк учрашуви олдинроқ, тахминан, 1357–1359 йилларда юз берган. Бу тахминни «Тузуклар»да тасвир этилган Жета-Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг 1360 йилда Мовароуннаҳрга қилган босқини билан боғлиқ воқеалар мантиқи тасдиқлайди. «Тузуклар»да Амир Темурга мавлоно Зайнуддин битган жуда кўп мактублар мазмуни қайд этилган. Улар асосан Соҳибқироннинг маслаҳат сўраб ёзган хатларига жавоб бўлиб, Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатини белгилашда ғоят муҳим ўрин тутади. Келинг, ана шундай хатлардан бири таъсирида Амир Темур тафаккурида юз берган ўзгаришга диққат қилайлик.

"…Билдимки, — деб ёзади Соҳибқирон ўз тузукларида, — давлат агар қоида-тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшаркким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади ёхуд касу нокас тап тортмай кириб-чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди". Пиримнинг ушбу хати менга етишгач, унда буюрилган ҳар бир нарсани бажо келтирдим. Давлатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу-зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Мамлакатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим» [Темур тузуклари, 2008, 86].

Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тайободий замонасининг машҳур ва донишманд кишиси эди. Фақат Амир Темур каби улуғ соҳиби салтанатларгина эмас, ўша даврнинг етук алломалари, тариқат пешволари ҳам, ул зот суҳбатига интизор эди. Ҳазрат Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби вакиллар Шайх Зайнуддин суҳбатида бўлганини қайд этганлар. Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тайободий вафоти ҳақида ҳазрат Навоий бундай ёзадилар: «Мавлоно етти юз тўқсон бирда, муҳаррам ойининг салхида, панжшанба куни нисфи наҳорда оламдан ўтубтурлар». Бу мелодий 1389 йилнинг декабрига тўғри келади [Даврон, 1994].

Тўртинчи пирлари Мир Саййид Барака (ваф. 1404 й.). Амир Темур у билан Термиз яқинида учрашган. Амир Темур унга 1370 йилда Андхуд (ҳозирга Афғонистонда Андхўй) вилоятини иқтоъ тарзида инъом этган. Мир Саййид Барака Амир Темурга зафар ва ғалабалар рамзи бўлган ноғора билан байроқ тортиқ қилган, Соҳибқироннинг Мозандарон, Дашти Қипчоқ ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган. Самарқандда Амир Темур мақбарасига дафн қилинган. [Қиёмов, 2018]

Амир Темур 1370 йилда бутунлай ҳокимиятни қўлга киритгач, шу йилнинг кузида катта қурултой ўтказилади. Қурултойга мамлакатнинг барча вилоятларидан вакиллар иштирок этади. Бу ҳақда Саййид Барака бошлиқ уламолар махсус фатволар ёзиб, бутун вилоятларга, қўшни мамлакатларга, ҳатто муқаддас Маккага, Мадинага ҳам хушхабар юборадилар [Акбаров, 2018].

Мир Саййид Барака, Фасиҳ Хавофийнинг маълумотига кўра, ҳижрий 806 (мелодий 1403–1404) йилда вафот этган. Муаррих Абу Тоҳирхожа Самарқандий «Самария» асарида бундай ёзади: «Ҳазрат Мир Саййид Барака мозори Самарқанд шаҳрининг ичида, Амир Темур Кўрагон даҳмасининг гумбази тагидадир. Ҳазрат Саййид Барака Кирмон вилоятидан Балх шаҳрига келиб, Амир Темурга ботиндан ёрдамлашибдур ва Амир Темур Баракани Самарқандга олиб келибдур. Саййид Самарқандда бўлган вақтда Амир Темур (набираси) Муҳаммад Султон мадрасисини кўргани бориб, ўша мадрасанинг кун ботар томонида ўз қабри учун мармару яшил тошлардан юксак бир бино ва гумбаз солдирди. Гумбазнинг шимолида улкан бир мадраса бино қилдириб, унинг саҳнасида гўзал чорбоғ туздирди. Саййид Барака вафотидан кейин унинг ўлигини Мозандарондан келтириб, ўша гумбаз ичига кўмдирди. Ўзининг кўмилажак ўрнини ҳам саййиднинг оёғи остида белгилади. Амир Темур энг кейинги сафари бўлароқ уч юз минг уришқоқ, кучли қўшин билан Хитой ўлкаси фатҳи учун йўлга чиқди. Йўл устида Туркистон музофотидан бўлган Ўтрорга боргач, касалланиб (Ўтрор ҳокими) Келдибек уйига қўнди ва шу ерда вафот этди. Беш кун ичида унинг ўлигини Самарқандга келтириб, ўз даҳмасининг гумбази ичида (васиятига кўра) Саййид Бараканинг оёғи остида мармар сандиққа солиб кўмдилар» [Даврон, 1994].

Мухтасар қилиб айтганда, Амир Темурнинг сиёсат фалсафаси ва мудом ғалабалари пирлари томонидан илгари сурилган ғояларда ўз ифодасини топган. Лекин, масала бу билан ўз интиҳосига етмасдан, аксинча, бизни янги изланишларга даъват қилади. Бу даъват миллий давлатчилик таълимотимизнинг манбаларини излаш, тадқиқ қилиш ва бугунги сиёсий- ижтимоий ҳаётимизнинг таркибига сингдириб бориш вазифаларини юклайди. Шундай экан, миллий тикланишдан миллий юксалишга боришнинг бирдан-бир йўли мусулмон оламига дахлдор бўлган дин, сиёсат ва ҳокимият масалаларидаги таълимотларнинг назарий асосларини тадқиқ этишдан бошланади.

Амир Темур яратган сиёсат фалсафаси миллат манфаатларини умумлаштиришда, халқнинг юксак мақсадларига эришишида самарали ва ижобий таълимот эканлигини исботлаб келмоқда. Бугун давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, турли кучлар мувозанатини таъминлаш, ривожланишнинг барқарор шакл ва воситаларини татбиқ этишда, динлараро бағрикенглик фалсафасини ўрганишда Амир Темур мероси халоскор ғояга айланган. Улар:

Биринчидан, тарихий воқеликлар қайта такрорланишини ҳисобга олган ҳолда айтиш керакки, Мовароуннаҳрда миллий озодлик ҳаракатлари бошланган давр (1360–1370 йй.) бошбошдоқлик,

маънавий таназзул, моддий танглик, фитна ва риёкорлик, хиёнат ва ўзаро ихтилофларга тўла давр бўлган. Бошқача қилиб айтганда, ўзлигидан маҳрум бўлган халқнинг янги ижтимоий муносабатларга ўтиш даври эди. Бу даъватни англаган Амир Темур тарихий вазиятни ўз иродасига буйсундиради. Аслида шахсларнинг тарихий саҳнага келиш таомили ҳам шундай бўлади. У ортга қайтмас жараён сифатида унинг қонуниятларини такомиллаштириб боради. Шу сабабдан Соҳибқирон 150 йил мустамлака сиртмоғида қолган халқни 35 йиллик фаолияти давомида қудратли ва шавкатли зафарларга тулдиришга эришади.

Бугун ўша ўтиш даврининг даъватларини тўғри баҳолай олсак, идрок этсак, онгимизда ҳамон сақланиб келаётган коммунистик мафкура таъқибларидан халос бўлиб, ҳозирги ўтиш даврининг машаққатларидан чиқиб кетиш имкониятларимиз ортиб боради. Жумладан, Амир Темур жамиятни тарихий реал ҳодиса сифатида унинг объектив-субъектив қонуниятлари ривожини англаш, унда анъана ва қадриятларга суяниш, амал қилиш, унинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ воситаларни шакллантириш, давлат бошқарувида адолатли тузумни татбиқ этишнинг мукаммал тизимини яратишга эришади;

Иккинчидан, миллатнинг фалсафий фикрлаш қобилияти, эътиқод ва иродасини кўтариш омиллари жамиятнинг бағрида мужассам. Бу турли табақаларнинг манфаатлари, интилиш ва истакларининг ҳосиласи, маданият ва анъаналарнинг ифодаси. Амир Темур турли миллатлар маданияти билан ажралиб келган Мовароуннаҳр халқининг манфаатларини муштарак миллий ғоя атрофида бирлаштиришга эришади.

Учинчидан, бугунги кунда муаммо дин ва сиёсат муносабатидаги зиддиятларда тобора авжига чиқаётганлигига шоҳид бўлиб турибмиз. Масала дин ва давлат, ислом ва замонавийлик, демократия, ижтимоий адолат ва бозор муносабатлари тамойиллари танловида намоён бўлмоқда. Ана шу зиддиятлар силсиласида дин ва дунёвийлик омиллари мувозанатини яратиш ҳамон долзарб вазифалар қаторида қолмоқда. Натижада бир томондан диннинг сиёсийлашуви, иккинчи тарафдан давлат ҳокимиятининг мутлақлаштирилиши оқибатида фуқаролик жамияти имкониятларини суиистеъмол этилишга олиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, дин ва давлат муносабатларини уйғунлаштиришнинг илмий асосларини яратишда Амир Темур бобомиз меросига мурожаат қилиш эҳтиёжи сақланиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ravshanov F. (2018). TOLERANCE: HISTORY AND DEVELOPMENT // The Light of Islam. T. 2018. – №. 1. – C. 17.
2. Муқимов З. (2008). Амир Темур Тузуклари. Самарқанд Унв. 28-б.
3. Яхшиликов Ж., Аҳадов Ш.Т. (1999). Темурийлар маънавияти (Илгариги манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). – Тошкент: Фан. 24-б.
4. Усмон О. (1991). Ваҳдат шаробин ичдим... (Яссавия тариқати). // Мулоқот, №6.
5. Шер А. (2019). “Шояд тафаккур қилсак”. // Тафаккур, 2019. 1 сон.
6. Ғойибов Н. (2001). Амир Темур даври маънавияти. – Тошкент. 10 б.
7. Муҳаммадсидиқов М.М. (2018). Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири. Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферат. 25 б.
8. Султонов а. Ф. (2015). Амир темур бошқарув маданиятини таъминлашда толерантликнинг аҳамияти // ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мирзо улуғбек номидаги ўзму фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мирзо улуғбек номидаги ўзму ижтимоий фанлар факультети.– С. 461.
9. Темур тузуклари. (2018). – Тошкент, “Shodlik nashriyoti”.
10. Lewis B. (1981). The Return of Islam // Religion and Politics in the Middle East. - Westview Press. - P.133-154.
11. Якуб А.Х. (2005). Ан-Низом ас-сиясий фил-ислам. – Ал-Қоҳира: Дар ал-исламийй, http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:107373
12. Ҳусайн Воиз Кошифий. (2010). Ахлоқий муҳсиний. Т.: “Ўзбекистон”.
13. Ал-Джабири Мухаммад. (1992). К пересмотру проблем современной арабской мысли. Ал-марказ ас-сақафий ал-арабий. – Байрут: Дар ал-Байда. لجابري محمد. المركز الثقافي العربي. – بيروت: دار البيدا، 1992. ص. 114.
14. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. (2017). Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Тошкент: “Hilol-Nashr”. 242 б.
15. “Темур қиссаси” (2004). Сўз боши. Х.Бобобеков. Тошкент: “Фан”.
16. Ибн Арабшоҳ. (1992). Амир Темур ажойиботлари тарихи. -Тошкент: “Меҳнат”.
17. Колесников А. (1999). Ал-Афгани // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука.
18. Хуршид Даврон. (1994). Амир Темур пирлари. // Тафаккур, 1-сон.
19. Қиёмов Р. (2018). Амир Темурга йўл кўрсатган пирлар. // http://www.nasafziyo.uz/
20. ҲАЗРАТ САЙЙИД АМИР КУЛОЛ. (2017). // https://naqshband.uz/yurtimiz-kadamjolar/xazrat_sayid_amir_kulol
21. Акбаров Р. (2018). Амир Темур пирининг ўғли Касбида дафн этилганми? // http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/6761